

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

257 Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий
стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қиймати-
ни баҳолаш»га қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2044-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги ва 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ–391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 12 октябрдаги 01/19-18/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2044, 2009 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 511-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Рес-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

публикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш»га иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 26 май,
01/27-26/36-сон

Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги
01/27-26/36-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий
стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини
баҳолаш»га киритилаётган қўшимчалар**

1. 17-банднинг ўн учинчи хатбошиси «агар баҳолаш объекти юридик шахсга қарашли бўлса» деган сўзлардан кейин «ва муҳр мавжуд бўлган тақдирда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 54-банд «шу ташкилот муҳри билан» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.